




**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини  
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича  
ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**

A stylized graphic of a globe in the center, surrounded by the flags of Uzbekistan (top and bottom) and the European Union (left).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДАГИ  
МАЪРУЗАСИДАН:  
(2017 йил 16 январь)**

**Энг муҳим вазифамиз – мамлакатимизда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бунинг учун эл-юртимиз аввало биз – раҳбарларнинг фаолиятидан рози бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз аравасини ўзи тортиши, ўз соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун ўзи шахсан жавоб бериши керак. Шундан кейин жамиятимизда ўзгариш бўлади, ривожланиш бўлади.**





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди

Фармон билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия, шунингдек устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича комиссиялар ташкил этилди. Миллий комиссияга Президентнинг ўзи бошчилик қилади.



## 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши:



1.

- Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;



2.

- Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;



3.

- Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;



4.

- Ижтимоий соҳани ривожлантириш;



5

- Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш

# БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ:

## ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан давлат ва жамият қурилишининг ўзига хос шакли ҳамда давлат органларининг ўзаро тийиб туриш тизими яратилди





# I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 1.1. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш:

1.

- давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;

2.

- қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини қабул қилинаётган қонунларни амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда тубдан ошириш;

3.

- сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш.



# I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 1.2. Давлат бошқаруви тизimini ислоҳ қилиш:



1.

- давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизimini давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни бошқаришда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали ислоҳ қилиш;



2.

- мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;



3.

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш;



4.

- «Электрон ҳукумат» тизimini такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

## Қуйидаги қонунларни қабул қилиш кўзда тутилмоқда:

**«Давлат мулкани бошқариш тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси қонуни**

**«Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси қонуни**

**«Давлат бошқаруви асослари тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси қонуни**

**«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси қонуни**

**«Давлат хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон  
Республикаси қонуни**





**10-банд:** Ўзбекистон Республикасида  
маъмурий ислохотлар Концепцияси ишлаб  
чиқиш



**28-банд:** Юқори малакали кадрларни чет элга  
кетиб қолишининг олдини олиш, уларни давлат  
хизматига, иқтисодиёт тармоқларига кенг жалб  
қилиш бўйича чора-тадбирлар Дастури  
лойиҳасини ишлаб чиқиш.

**39-банд:** Эҳтиёж юқори бўлган давлат  
хизматларини кўрсатувчи давлат идораларида  
электрон навбатга қўйиш тизимини жорий  
қилиш.



**25-банд:** Давлат хизматига замонавий  
фикрлайдиган, ташаббускор, масъулиятли,  
касбий тайёрланган кадрларни жалб этиш



# I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:

1.

- халқ билан самарали мулоқот механизмларини жорий этиш;

2.

- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш;

3.

- фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;

4.

- маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш;

5.

- оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг профессионал фаолиятини ҳимоя қилиш.



# ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ



Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан одил судловнинг янги тизими ва шакллантирилди



## II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:**



судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;



судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш;



суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процесси томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш;

«Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш;



судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

## II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

### 2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:

фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш;

фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш;


суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш.






## II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

### 2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш:




жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш;



одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини яхшилаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш;

жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш;



электрон тартибда суд ва ижро ишини юрителининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.



## II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

### 2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш:



жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни янада кучайтириш;

коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.



## II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

### 2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларнинг сабаб ва омилларини бартараф этиш;

суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш;


ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.


## II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ




### 2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:



### III. ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ




3.1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш




3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш

3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш




3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уни устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш



3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш



### III. ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ




125-банд: Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш




138-банд: Ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш


143-банд: «2018 — 2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш Концепцияси»ни ишлаб чиқиш



170-банд: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман)ни ташкил этиш



189-банд: Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган **Нурота, Каттақўрғон, Қўшрабат, Қизирик, Музработ, Боёвут, Сардоба** туманларини комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш



## УЧИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

2017-2021  
йиллар: Умумий  
қиймати 40  
миллиард АҚШ  
доллари бўлган 649  
та инвестиция  
лойиҳаси кўзда  
тутилган

Натижада кейинги  
5 йилда саноат  
маҳсулотини  
ишлаб чиқариш 1,5  
баравар ошиши  
кутилмоқда

Саноатнинг ялпи  
ички маҳсулотдаги  
улуши 33,6  
фоиздан 36  
фоизгача ошиши  
кутилмоқда

Ялпи ички  
маҳсулотдаги  
қайта ишлаш  
тармоғи улуши  
80 фоиздан 85  
фоизгача ошиши  
кутилмоқда

## УЧИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ



мева-сабзавот ва гўшт-сут  
маҳсулотларини қайта  
ишлаш соҳасида 147 млн.  
долларлик 63 та лойиҳа

рангли ва қимматбаҳо  
металларни чуқур қайта  
ишлаш бўйича 217 млн.  
долларлик 6 та лойиҳа

кимёвий хом ашёларни  
чуқур қайта ишлаш  
бўйича 25 млн.  
долларлик 2 та лойиҳа



тайёр чарм-пойабзал  
маҳсулотлари ишлаб  
чиқаришни кенгайтириш  
бўйича 6 млн. долларлик  
9 та лойиҳа;

углеводород хом  
ашёларини қайта  
ишлашни чуқурлаштириш  
бўйича 342 млн.  
долларлик 6 та лойиҳа

фармацевтика  
маҳсулотлари ишлаб  
чиқаришни оширишга  
йўналтирилган 24  
млн.долларлик 7 та  
лойиҳа

# ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИЖТИМОЙ СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

## 4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш:



1.

аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган oilалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;



2.

бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажминини инфляция суръатларидан юқори миқдорда босқичма-босқич ошириш;



3.

янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;



4.

меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини юксалтириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.;



## ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИЖТИМОЙ СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



**194-банд:** 2017 йил давомида саноатни (5440 та лойиҳа 131 мингта иш ўрни билан), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш



**195-банд:** Ишсизлик даражаси юқори бўлган ва меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган 34 та туманда 46,8 мингта иш ўрни ташкил этиш



**197-банд:** Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 10 минг нафар таълим муассасалари битирувчисига ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кредит маблағлари ажратиш.

**210-банд:** Қўрғонтепа, Олот, Пахтакор, Дехқонобод, Косон, Нурота, Узун ва Қўшкўпир туманларида аёлларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш.

**204-банд:** «Меҳнат миграцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.







## ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИЖТИМОЙ СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



### 4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш

1.

аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш

2.

соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш

3.

оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш

4.

пензионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш

5.

- фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш,

# ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИЖТИМОЙ СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



**211-банд** ...ҳар бир туман, шаҳарлардаги маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида «Нуронийлар масканлари»ни барпо этиш



**212-банд:** «Нуронийлар эъзозимизда» патронаж ёшлар ҳаракатини ташкил этиш («Камолот» ЁИХ)

**213-банд:** Кекса авлод вакиллари ҳамда «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун юртимиздаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар бепул саёҳатлар уюштириш («Камолот» ЁИХ)



**233-банд:** «Тез тиббий ёрдам хизмати»ни жами 1200 та махсус автотранспорт воситаси билан таъминлаш.

**240-банд:** Жиззах вилояти Зомин туманидаги мавжуд дам олиш масканида умумий қиймати 35,0 млрд. сўмлик 100 ўринли санаторий ташкил этиш



## ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИЖТИМОЙ СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шaroитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:



1.

аҳоли, энг аввало, ёш oilалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шарoитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шарoитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва кишлок жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;

2.

аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш

3.

аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш

4.

йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини жадал давом эттириш,

5

- театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.



Қишлоқ жойларда янги  
намунавий лойиҳалар  
асосида 15 000 та арзон  
уй-жой қуриш



Жаҳон банки  
иштирокида Сирдарё  
вилояти Боёвут, Ховос,  
Мирзаобод, Сардоба ва  
Оқолтин туманлари,  
Бухоро вилояти Олот ва  
Қоракўл туманлари  
ичимлик суви  
таъминотини яхшилаш



Замонавий савдо  
инфратузилмасини  
яратиш мақсадида 40 та  
замонавий гипермаркет,  
63 та супермаркет  
ҳамда 139 та  
минимаркет ташкил  
этиш

# ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИЖТИМОЙ СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



## 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

1.

узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш



2.

таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш



3.

мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун ушбу муассасаларидаги шарт-шароитларни тубдан яхшилаш

4.

умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш



5

• касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш



# ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИЖТИМОЙ СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



## 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:



**259-банд:** 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш Дастурини ишлаб чиқиш

**260-банд:** Мактабгача таълим муассасаларининг 106 тасини реконструкция қилиш ва 195 тасини капитал таъмирлаш

**261-банд:** 9 та янги мактаб қуриш, 268 та мактабни реконструкция қилиш, 90 та мактабни капитал таъмирлаш

**265-банд:** 51 та умумтаълим мактаби, 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спорт залларини қуриш, 9 та ёпиқ сузиш ҳавзасини қуриш ва 2 тасини реконструкция қилиш

# ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИЖТИМОЙ СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



## 4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш:

1. **жисмонан соғлом, рухий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш**
2. **ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш**
3. **ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш;**
4. **ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга ошириш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш**
5. **ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимият ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш**

## ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИЖТИМОЙ СОҶАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



### Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш

Ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида таълим муассасаларида «Мен севиб ўқиган китоб» ва «Энг яхши китобхон» танловларини ташкил этиш

**279-банд:** Республикада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ижтимоий тармоқларда тўғридан-тўғри узатиладиган очик мулоқотлар ташкил этиш («Камолот» ЁИХ)

**289-банд:** Ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш мақсадида таълим муассасалари, маҳаллалар ҳамда тиббиёт пунктларида «Саломатлик кунлари»ни ташкил этиш («Камолот» ЁИХ)

**292-банд:** Нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналарининг масъулиятини ошириш («Камолот» ЁИХ)



## БЕШИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН, ЎЗARO МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ РУҲДАГИ ТАШҚИ СИЁСАТ ЮРИТИШ

### 5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:

- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб ҳаракатларни ташкил этиш;
- фуқаролик, миллатлар ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;
- давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш;
- атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зарар етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш;
- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.



## БЕШИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ:

5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:

- давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш;

-Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятига мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида холис ахборот етказиш;

-Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

-давлат чегарасини демилитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш







## БЕШИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН, ЎЗARO МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ РУҲДАГИ ТАШҚИ СИЁСАТ ЮРИТИШ

Ўзбекистон  
Республикаси  
Қуролли  
Кучларини  
замонавий  
қурол-яроғ ва  
ҳарбий техника  
турлари билан  
жиҳозлаш  
дастурини ишлаб  
чиқиш

Ўзбекистон  
Республикасининг  
Давлат чегарасини  
қўриқлаш ва ҳимоя  
қилиш тизимини  
такомиллаштириш

Ўзбекистоннинг  
хорижий шериклар  
билан 2017 йилдаги  
сиёсий-дипломатик  
соҳадаги  
ҳамкорлигини  
ривожлантиришга  
доир «Йўл  
харитаси»  
лойиҳасини ишлаб  
чиқиш

Қўшни давлатлар  
билан Давлат  
чегараларини ҳуқуқий  
расмийлаштириш,  
Давлат чегараларини  
делимитация ва  
демаркация қилиш  
масалалари бўйича  
2017 йилга  
мўлжалланган  
тадбирлар режасини  
ишлаб чиқиш

Халқ  
дипломатиясини  
фаоллаштириш,  
Ўзбекистон  
хорижий  
мамлакатлар билан  
дўстлик ва  
маданий-маърифий  
алоқалар  
жамиятлари  
Кенгаши  
фаолиятини  
такомиллаштириш.

# Хулоса ўрнида:



Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди.



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!**

